«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси
_____ Ф.Отахонов
«20» ноябрь 2025 йил

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши мажлисининг “2“ -сон

БАЁНИ

2025 йил “20“ ноябрь **Тошкент шаҳри**

Жамоатчилик кенгаши аъзолари: Ш.Жолдасова, И.Махмудов, Ф.Махмудов, Ю.Олимова, Ф.Отахонов, Н.Абдураимова, Л.Атаева, Т.Турсунов, У.Мухаммадиев, Н.Нортўраев, А.Ташанов, Ж.Усманов, Б.Бабаджанова.

Жами: **25 нафар** аъзодан **13 нафар** аъзо қатнашди, **12 нафар** аъзо қатнашмади.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги: М.Расулов, Б.Бурханитдинов.

КУН ТАРТИБИ

1. **Пулли автотураргоҳлар бўйича ўрганиш жараёнларида иштирок этиш ва уни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва таклифларни шакллантириш тўғрисида.**

Маърузачи: Жамоатчилик кенгаши аъзоси Ф.Отахонов

Маъруза аввало Тошкент шаҳрида сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, марказий ҳудудларда транспорт оқимини тартибга солиш ҳамда шаҳар инфратузилмасидан самарали фойдаланиш мақсадида пулли автотураргоҳлар тизими яратилгани ҳақидаги умумий маълумот билан бошлади.

Таъкидланишича, мазкур тизимнинг жорий этилиши аҳоли ва транспорт воситалари ҳаракатини оптималлаштириш, автотураргоҳларга бўлган талаб ва таклифни бошқаришда муҳим қадам бўлиши кўзда тутилган.

Бироқ, ушбу ташаббус бугунги кунда жамоатчилик томонидан кўплаб саволларни келтириб чиқармоқда.

Шундан сўнг маърузачи ўрганиш жараёнларида амалга оширилган ишларнинг мазмунига тўхталиб, мавжуд автотураргоҳлар инфратузилмаси, тариф сиёсати, фойдаланиш қоидалари ҳамда фаолият самарадорлигини таҳлил қилиш лозимлиги билдирди. Ушбу жараёнда фуқаролар мурожаатлари, амалиётда учраётган муаммолар ва уларнинг сабаблари ҳам ўрганилгани қайд этилди.

Ю. Олимова ўз чиқишида амалдаги пулли автотураргоҳлар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга доир асосларга алоҳида тўхталиш лозимлигини таъкидлади. Унинг билдиришича, ҳозирги кунда бутун шаҳар ҳудуди бўйича ушбу хизматни кўрсатиш ҳуқуқини фақат битта хўжалик юритувчи субъект қўлга киритган, бу эса рақобат муҳитини чеклаб, тизим самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди.

Н. Нортўраев ўз таклифида автотураргоҳлардан фойдаланиш бўйича амалдаги тариф сиёсати фуқаролар учун қулай эмаслигини қайд этиб, уни вақт оралиқлари бўйича босқичма-босқич табақалаштириш зарурлигини таъкидлади. Унинг фикрича, автотураргоҳга кириб-чиқиш жараёнида сарфланадиган қисқа вақтни инобатга олган ҳолда 5 дақиқагача бепул кириш тизимини жорий этиш, шунингдек 10 дақиқа, 20 дақиқа ва ундан кейинги муддатлар учун алоҳида тариф ставкаларини белгилаш фойдаланувчилар учун сезиларли енгиллик яратади.

У. Мухаммадиев ўз чиқишида амалдаги пулли автотураргоҳлар фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни янада пухта ўрганиш зарурлигини таъкидлади. Унинг фикрича, аввал мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, лицензиялаш ва операторларни танлаш механизмлари, тариф белгилаш тартиблари ҳамда масъул органларнинг ваколатлари атрофлича таҳлил қилиниши лозим. Шундан кейингина муаммолар манзилли аниқланиб, ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш бўйича асосли ва амалда қўлланиши мумкин бўлган таклифларни шакллантириш мумкинлиги қайд этилди.

Маърузачи: Жамоатчилик кенгаши аъзоси Ф.Отахонов

Мавжуд қонунчилик ва тартибни ишлаб чиқишда жамоатчилик назорати механизмларини ҳам инобатга олиш зарурлигини таъкидлади. У шунингдек, масъул корхонанинг тушумлари ва харажатлари тўғрисидаги маблағларни очиқ қилишни мажбурий қилиш кераклигини билдирди. Ҳар

бир жараён ва кўрсаткичларни ўзида жамлаган ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши лозимлиги қайд этилди. Ўрганишлар якунида эшитув ташкил этиш, унда Шаҳар ҳокимлиги, масъул фирма ва ИИВ ЙҲХБ иштирок этиши ҳамда йиғилишнинг трансляция қилинишини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, ўрганишларга кенгаш аъзоларини ҳам жалб қилиш ва уларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш тизим самарадорлигини оширишда муҳим экани қайд этилди.

2. Коррупцияга қарши конвенция талаблари бажарилишини нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари томонидан мониторинг қилиш тўғрисида.

Маърузачи: Жамоатчилик кенгаши аъзоси Ф.Отахонов

Ф. Отахонов ўз чиқишида БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 13-моддасига алоҳида тўхталиб, унда нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) томонидан коррупцияга қарши чора-тадбирларни мониторинг қилишнинг муҳимлиги таъкидлади. Унинг фикрича, ушбу модда конвенция талабларининг амалий татбиқини таъминлашда нодавлат секторнинг роли ва масъулиятини аниқ белгилайди.

Шу билан бирга, У. Мухаммадиев Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) иштирокида амалга оширилган лойиҳалар бўйича ҳисоботни тақдим этиш зарурлигини таъкидлади. Унинг фикрига кўра, ушбу ҳисоботда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида эришилган натижалар, ўтказилган учрашувлар ва мониторинг жараёнлари ҳамда коррупциянинг олдини олишга қаратилган самарали чора-тадбирларнинг таҳлили алоҳида кўриб чиқилиши керак.

3. Жамоатчилик кенгаши томонидан кейинги ойларда ўрганиш ёки эшитув ўтказиш мавзу ва йўналишлари бўйича таклифлар бериш тўғрисида.

Маърузачи: Жамоатчилик кенгаши аъзоси Ф.Отахонов

Ж. Усмонов ўз чиқишида қурилиш ва соғлиқни сақлаш соҳалари ҳали ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқдалигини қайд этди. Унинг фикрига кўра, мазкур соҳаларда фуқаролар, тадбиркорлик ва давлат органлари томонидан юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш мақсадида келгусида тегишли ўрганишлар ва эшитувлар ўтказиш зарур.

Шунингдек, у мазкур йўналишларда эришилган натижаларни кенг жамоатчилик ва мутасадди ташкилотлар билан муҳокама қилиш, таклифларни тизимли равишда шакллантиришнинг аҳамиятини таъкидлади.

Ю. Олимова фирибгарлик билан боғлиқ қонунчиликни такомиллаштириш ва ушбу масала учун жавобгарликни аниқ белгилашнинг долзарблигини таъкидлади. Унинг фикрича, бугунги кунда фирибгарлик ҳолатлари турли соҳаларда учраб, давлат ва жамоатчиликнинг ишончини сусайтиради, шу боис, ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ф. Отахонов эса фирибгарликнинг бугунги куннинг энг долзарб муаммоси эканлигини таъкидлаб, уни бартараф этиш учун кенгайтирилган йиғилиш ташкил этиш, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва масъул органларга тақдим этиш имкониятлари юзасидан фикр билдирди. У шунингдек, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида жамоатчилик назоратини, ННТлар ва соҳадаги экспертларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам ҳисобга олиш зарурлигини қайд этди. Бу ёндашув, Отахоновнинг таъкидлашича, коррупция ва фирибгарликка қарши самарали чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш, қонунчилик асосларини янада пухта қилиш ва аҳоли ишончини оширишга хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб **ҚАРОР ҚИЛИНДИ**:

1.1. Автотураргоҳлар фаолияти, тариф сиёсати ва амалдаги ҳуқуқий асослар юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлигига расмий сўров юбориш.

1.2. Ўрганиш жараёнида Жамоатчилик кенгаши аъзоларини жалб қилиш ва уларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш.

1.3. Ўрганиш натижалари бўйича энг долзарб муаммолар ва таклифларни муҳокама қилиш мақсадида эшитув ташкил этиш.

2.1. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 13-моддаси бўйича ҳуқуқий ва амалий таҳлил ишлаб чиқиш.

2.2. Таҳлил натижалари юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ахборот тақдим этиш ва 15-декабрга қадар ҳисобот бериш.

3.1. Жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан келгусида ўрганиш ва эшитув ўтказиш учун таклифлар тайёрлаш ва 2025 йил 25 ноябрга қадар Коррупцияга қарши курашиш агентлигига тақдим этиш.

Котиб **Б.Бурханитдинов**